

Жахон борлигининг сифати ва магзи жамланган Куръони каримнинг маънисини англаш осон кечмаган. Улуг Аллох сўзини изох ва шарх қилишда, Ундаги илохий маъно сирларидан бани одамни огоҳ қилишда минглаб уламо ва муфассирларнинг беназир хизматлари тайин.

Ислом оламида Абу Хомид Газзолийнинг «Жавохиру-л-Куръон», Абул Косим Махмуд Замахшарийнинг «Ал-кашшоф фи тафсир ал-Куръон», Рўзбехон Баклийнинг «Аройису-л-баён фи хакойики-л-Куръон», Нажмуддин Розийнинг «Бахру-л-хакойик», Садриддин Кўнавийнинг «Тафсири фотиха», Шайх Саъдиддин Хаммувийнинг «Сажанжалу-л-арвоҳ ва нукушу-л-алвоҳ», «Тафсиру-л-Кози Байзовий», «Тафсиру-л-Жалолайн», «Тафсири Ибн Кассир», «Тафсиру-л-Куртубий», «Ал-Мунтахаб фи тафсири-л-Куръони карим», Абдуллох Андалусийнинг «Ал-мухаррар ал-важийз», Саййид Кутбнинг «Фи зилал ал-Куръон», Мухаммад Махлуфнинг «Сафвату-л-баён лимаони-л-Куръон», Мухаммад Али Собунийнинг «Сафвату-т-тафосир», Хусайн Воиз Кошифийнинг «Тафсири Хусайний» каби тафсирлари мавжуд . Турк олими Фуод Кўпрулуниг аниқлашича, Куръони каримни турк тилида Тафсир қилиш хижрий III (милодий X) асрлардан бошланган.

А. Эртўгон, А. Инон каби олимлар туркий тафсирчилик тарихи билан шугулланганлар.

Турк дунёси илмида барча муфассир ва исломшунослар томонидан тан олинган дастлабки Туркий тафсир XII-XIII асрларда номаълум муаллиф томонидан амалга оширилган. Унинг қўлёзма нусхаси 1914 йилда Каршида топилган ва Бухорога келтирилган. 1920 йилдан Бухорода шўролар ҳукумати ўрнатилгач, Туркий тафсир Санкт-Петербург шаҳрига олиб кетилган. Хозир бу Тафсир Русия ФАШИ Санкт-Петербург бўлимида 197-ракам остида сакланади.

Проф. К. Махмудовнинг изланишлари натижасида Туркий тафсирнинг факсимиле нусхаси унга лисоний очерк илова қилинган холда нашр қилинди. Ушбу манба асосида Куръони каримнинг «Каҳф» сураси тафсири табдил қилиб берилмоқда.

БИСМИЛЛАХИР РОХМАНИР РОХИМ

18-СУРА

1a

1. Уларнинг улуглари оғизларида сўз айтсалар ҳам у сўз факат гуноҳ ва ёлгондир.
2. Агар уларнинг ондларига кўра Куръонга ишонмасал, ўзингни шундай халок килувчи деб топасан: бу
3. Сўз билан ер ўзагини юзини улардан кайсилари эзгурок эканлигини синамок учун безак этдик.
4. Шубхасиз, биз сув тегмаган ер юзидаги бўш майдонларга айлантирувчи, унинг устида уларнинг хар кайсисидан кўра эзгурок иш бажарувчимиз.
5. Аммо сизлар айтдингизлар: унгур эгалари кишилари китобга, ажойиб оятларга эга деб ўйлагансиздир.
6. Бизнинг ажойиб мўжизаларимизга кўра, бир канча юриб унгурга ўрнашдилар, улар ер, кўклар эгаси парвардигоримиз бизга хузурингдан паноҳ бергин, ишимизни ўнглагин дедилар.
7. Узок даврга кадар биз тўгри йўлга солдик, кулоқларига парда урдик ухлатиб кўйдик.
8. Унгур ичидаги таналарни вужуди икки гурухдан кайсиси ҳақ эканлигини англадиш

учунтўргиздик, унгурда ухлаш муддатини билдириш учун уйгатдик.

9. Уларнинг ахволлари яратган билан эканлигини ошкор киламиз.

10. ...ишлардилар, Тангрисига боғландилар, уларнинг кўнгилларини тангрига боғлаб тўгри йўл яратиб бердик.

16

1. Анчадан сўнг турдилар. Тангримиз кўкларнинг ва ерларнинг эгасидир деб айтдилар, ундан ўзга Тангрига нидо қилмасмиз. Акс холда.

2. Эй тангрим ортикча сўз айтган бўламиз, элимиз бошқа тангрига сизиндилар.

3. Улар золимликда (қучда) машхур эканлар, Тангри хақида ёлгон сўзласалар нега бирор далил келтира олмайдилар?

4. Қачон улардан (айрилиб) (у) томондан кетсанглар, у топинадиган Тангрига сизининглар, сизларни Унгурга йигай, Тангрингиз

5. ёрлигига кўра, сизлар ишларингизда мархаматлар кўргайсан (кўргайсиз), қачон қун

6. чикса, унгурларнинг ўнг томонидан ел эсади, (қачон) қун ботса уларнинг

7. сўл томонидан (ел эсади), улар сўл томондан кенг (шароит) яратилган.

8. Шунингдек, у Тангрининг мўъжизаларига кўра, Тангри кимни йўлга солса, у (хак йўлдан) боровчидир, у яна кимни йўлдан оздирса,

9. унга (йўл) кўрсатувчи бир дўст топа олмайсан, улар уйкуда ухлаб ётувчилар деб ўйлайсан.

10. Уларни ўнг васўл томонга огдариб турамиз, итлари эса эшик остида икки карисини (кўлини) узатган (холда) эди.

2 а

1. Агар уларга кўзинг тушса, улардан юз ўгирасан, улардан кўркинч билан кочиб кетасан:

2. Шундай килиб, улар (ўз) аро савол сўрашсин деб тургиздик. Сўровчиси улардан канча (вакт) колдингизлар деб сўради.

3. Биз бир кун ёки бир куннинг бир кисмида тўхтадик (яшириндик) деб сўзладилар: канча колганингизни, ухлаганингизни Тангри билувчирокдир дедилар.

4. Бирингизни пул билан бу шахарга юборинглар, караб боксин, кайси бир

5. покиза таом бўлса, олиб келсин, сизларга насиб (бўлсин), ундан (нафс) таскин топсин (дедилар), сизларни бир кимса билмасин.

6. Агар улар сизларга хукмрон бўлиб колсалар, тош бўрон килиб ўлдирадилар ёки сизларни

7. ўз динларига киритадилар, ундай (холда) абадий кутилмайсизлар, шу йўсинда

8. Тангрингга эргашиш ҳақ, киёмат бўлиши шудхасиз эканлигини билсин деб уларни гўрларидан тургизамиз, бу масалада

9. уларнинг ишлари хақида анча тортишдилар, уларнинг устига бино килинглари деб айтдилар, уларнинг Тангриси буларни яхши билади, улар тортишувда (масалада)

10. ютиб чикканлар буларнинг устига бир масжид курамиз деб айтдилар, яна (улар) учта,

26

1. тўртинчиси ит деб сўзлайдилар, яна бешта, олтинчиси шубхасиз уларнинг итлари дедилар, яна шубхасиз еттита, саккизинчиси ит дедилар.

2. Тахминан яна еттита ёки саккизинчи (итларидир) дедилар, уларнинг саногини тангрим яхши билади деб айт.

3. Улар факат озгина (кишилардан бошка) билмайди, уларнинг (сони) хакида тортишмагин, очик тортишув билан, улар хакида жавоб кутма деб айт деди.

4. Улардан бири: мен эртага бир нарсани киламан деб айтмагин деди.

5. Агар Тангри тиласа, парвардигорингни ёд кил, качон (уни) унутсанг, Тангрим мени йўлга солади деб сўзлагин.

6. Бундан хам якинрок тўгриликка ўргатди, ёки унгур гор ичида учюз йил турдилар яна.

7. тўккиз йил ортикча ухладилар, у ерда (канча) колганликларини Тангри (яхши) билади деб айт: (у) ер ва кўклардаги

8. Яширин (нарсаларни) кўрувчи, эшитгувчидир: улардан ўндан ўзга бир дўст йўк:

9. Унинг хукми, кудратига бир кимса шерик эмас: уни чорлагин, ё Мухаммад! Тангрингдан сенга бир китоб яъни Куръон, ёрлик юборилди.

10. Унинг сўзларини текширувчи йўк, ундан ўзга мулохаза топа олмайсан: ўзинг сабр килгин.

3 а

1. Тонгда ва тунда Тангрига нидо килиб, унинг хушнудлигини истовчилар билан (бирга бўл):
2. Дунё безакларини тилайдиган икки кўзингни улардан четга олишни (ўйла), (яъни бу дунёга кўнгил берма), унинг кўнглини гафлатга солдик.
3. Ўз тилагига кўра, бизнинг ёдимиздан нари кетди, унинг иши хаддидан ошгандир.
4. Ким истаса меҳрибон Тангрингизга игинсин, ким истаса тонсин деб айт, биз золимларга дўзах ўтини хозирладик:
5. Уларнинг теварагини ўтли сарой коплайди, фарёд деб (ичимлик) сўрасалар, бир сув кўргандек бакирадилар (ундан) юзларининг териси шилинади:
6. юзлари териси (шилинган) яна ярамас ичимлик, ярамас макон! Улар ишондилар, эзгуликлар килдилар.
7. Эзгуликлар (Амоли солих), килганларнинг савобини зоъий килмаймиз, уларга
8. Макон (вор), унинг остида (окар) ариклар вор, унинг ичида олтин вилак узуклар вилан везанадилар.
9. Яшил парчалардан (иборат) кийимлар, тўнлар киядилар:

10. унинг ичида тахтлар устида яна эзгу (жавоб) муомила яна кўркли маконлар (бор): уларга

3 б

1. икки киши (хакида) ривоят килди: (хар) иккисидан бирига тевараги узумли икки бог яратди, у иккисини

2. (богларни) хурмо дарахти билан копладик, уларнинг (хар) иккиси орасида донлар (экинлар) ўстирдик: емишни камайтирмайди, ундан нарса (сув) окиздик: уларнинг (хар) иккиси орасида ариklar (бор) эди: эгасига: У унинг билан суҳбатлашмоқда деб айтди:

4. у мен сеникидан кўп чарвога, молга эгаман, сенга (нисбатан) менинг кўр гурухим (бор), у: ўзига жафо килувчи богига кирди: (у) абадий йўк бўлиб кетса (мумкин), шубҳаланмайман, деб айтди: яна киёматда аёкка тургизилишига ҳам шубҳаланмайман: агар

6. Тангри хузурига юборилсам, мен у ерда эзгурок (бўламан), кайтишга розимисан, ундан эгаси сўради: яъни унинг билан улуги суҳбатлашар эди:

7. (у) сени тупрокдан, окиб (турадиган) сувдан яратган. Яна сени бир одам сифатида камолга еткизган Тангридан тондингми деди:

8. У Тангри бор, (ўзгаси) йўк: яратувчи Тангрига бир кимсани шерик кулмасман: анчадан (сўнг) богингга кирдинг, нега (бу ҳақда) сўзлашмадинг:

9. Тангри тиласа истаган нарса бўлур, куч Оллох билан (бирга) десегн,

10 бойлик, ўгил, киз, жихатидан сендан кам деб ўйласанг (топсанг) Тангрим менга сенинг богингдан кўра, яхширогини беради: унинг томонига

4 а

1. бир азобни яъни кўкдан ўт юборади, (у) яланг тупрок бўлади ёки унинг суви сингиб кетади:

2. уни истаб тополмайсан, унинг меваси теваракни коплади, эрта турди, унинг устида икки кафтини айлантиради

3. унинг ичидаги тиргаклари, ёпиклари таркаб кетган, кошки мен Тангримга бир кимсани шерик килмасам эди:

4. унга кўмак берувчи бир гурух топмади: унга Тангридан бошка ёрдамчи йўк эди:

5. Тангри хар нарсага кодир зот, у яраклидир, яхши ишга эзгу жавоб

6. (кайтарувчидир): уларга тирикликка оид (нарсалар хакида) масал келтир: кўкдан сув (ёмгир) ёгдирдик:

7. ердан унга ўтлар унда қаришди: яна қуриди, уни еллар совуради: Тангри ҳар нарсага кодир:

8. Нарса, қудрат, бойликлар, фарзандлар тирикликнинг энг яқин беағидир:

9. Тангри ҳузурида эзгу ишлар, яхшиликлар: яхши умидлар жавоби қолғусидир: у қун

10. тоғларни юритамиз, ерни қўтарилган ҳолда қўради, уларни йиғамиз, улардан бирини қўймамиз:

4 б

1. Саф (тортиб) Тангрига арз қилади: аввал сизларни қандай яратган бўлсак, шундай ҳолда бизга қелдингизлар:

2. балки қилмадим деб айтдингизлар. Сизларга у пайтда (сур) қалинади, номаий амал берилади, унинг ичида

3. Қўрқувчи гуноҳкорларни қўрасан: бизга қийинчилик деб айтадилар, у қандай нома экан:

4. қатта-қичик гуноҳларни ҳам қолдирмайди, аммо униҳисоблайди, санайди, нима қилган

5. бўлса, (уни аниклайдилар), Тангринг бир кимсага жабр килмайди, қачон Тангримиз фаришталарга,
6. бугдой тусли одамга юкининглар дегач юкиндилар, аммо раҳматдан ноумид парилар (насли) шайтон эди, Тангри буйругига риоя килмади:
7. бундан илгари сизларга ёв бўлган (уларнинг) ўгил кизлари сизларни қўллайдими?
8. у золимлар учун ёвузлик, тансик (нарслар) хозирламадим: уларни шаҳодатли килмадим: қўқларни, ерни яратди,
9. ва яна жонликларнинг (шериклигида) яратмади: аммо йўлдан оздирувчи ва ёвузчиларга ёрдам бермасман:
10. у кун тасдиқловчи ўртоқларимни чакиринглар деб айтасизлар, уларни чорлайдилар, жавоб бермайдилар:

5 а

1. Уларга жавоб бермайдилар, улар орасида халокат (кишисизлик) яратдик: гунохкорлар кўргайлар, шубҳасиз ёнадилар:
2. Улар унга тушишларини ўйлайдилар, ундан нажот тополмайдилар,

3. Бу ўқийдиган ичида (Куръонда) хар нарсадан бердик: киши кўп
4. Нарсаларда бахслашувчилардир, қачон уларга ҳақ йўл келганда, иймон келтиришда кишиларга тўскинлик қилмади:
5. Тангридан мағфират сўрасалар, агар уларга аввалгиларнинг йўл-йўриги келса ёки уларга азоб келса,
6. (у) севинтирувчи, мур Сал пайгамбарни кенгашиб юбормадик: кўркувчилар эса бахслашар эдилар:
7. Улар ботил нарсалар билан тондилар: унинг билан ҳақиқатни йўққа чиқарса: улар оятларимга риоя қилдилар:
8. унга қулганлар кўрқитилдилар, ўта золимларга у нарсадан панд берилди: Тангри оятларидан юз ўгирди:
9. илгари қилмишларини икки кўллари билан унутдилар: чиндан ҳам кўнгилларида пардалар яратдик,
10. агар ўргансалар деб қулоқларини оғир қилдик: агар сен уларни чақирсанг,

1. шундай бўлса ҳақ йўлга абадий (араб алифбосида фалан баҳаъду) (кондурулгэлэр) юборилурлар: Сенинг Тангринг кўп гунохни кечирувчи шафкатли худодир:
2. агар килмишларига кўра уларни тутиб олса, уларни азобга солган бўлар эди, бироқ бу берилган мухлатдир:
3. ундан бошқа тадбир (панох) топа олмайдилар, улуслар зулм килсалар йўқ килдик:
4. ерда юкори (халокат ёкасида) туришларини аниқ килдик: Мусо пайгамбар Ювмаъ
5. Икки денгиз кўшилишига етгинча тебракмайман деди: балки саксон (узок) йиллар ўтказарман, қачон
6. у сувнинг кўшилишига етганда, болиқларини унутдилар, дарё ичидаги йўлга тушдилар:
7. Қачон бир уйни (сувни) кечиб ўтганда, Юшиъга тонгдаги ошимизни яъни балиқни бергин деди: сафаримизда
8. бу кийинчиликни кўрдик, нима кўрмокдасан деб сўради: қачон қоя тошга жойлашганимизда мен балиқни унутдим:
9. (у) унутдирмади, аммо шайтон яъни иблис уни эсласа (унутдирди):
10. денгиз ичида йўлга тушди: бу (биз) истаган нарса эди деди уни излаб орқаларига қайтиб кетдилар.

6 а

1. кулларимиздан бир кулни (яъни Хизр пайгамбарни) топдилар: хузуримиздан унга мархаматлар ато этдик,
2. Хузуримиздан унга илм ўргатдик, Мусо пайгамбар уларга яъни Хизрга: эй, сен бир инжудек ажойиб (наrsa) юзасидан ўргатилдинг, сен менга
3. Хам ундан ҳақ учун ўргатсанг деди: Хизр Мусога: сен мен билан уйгунлаша олмайсан, сабр килолмайсан деди: билдирилган
4. Хабарга риоя килмадинг, кандай унга шубхаланасан (сабр киласан), мени (шундай) сезасан, Менимча Тангри истаса сенга
5. Шубхаланиб бир иш килмайман деди: Хизр пайгамбар: сен менинг билан борсанг, наrsa хакида
6. янги сўз сенга айтмагинча мендан сўрама деди: шунга кўра, ахдлашиб бордилар: қачон
7. кема ичига кирганларидансўнг Хизр пайгамбар ўтирди, кемани ўйди: Мусо пайгамбар: ўтирдингми? Уни сувга чўктирасан, одамларини (халокатга) келтирдинг-ку,
8. огир иш (бўлди) деди: Хизр: айтмадингми? сен Мусо мен билан сабр килиб юра олмайсан деди: Мусо:
9. Мени айблама, уни унутдим, менга менинг ишимга кайсарлик билан дашнам бера:

юришда давом этдилар,

10. қачон Хизр пайгамбар бир ўғил болани кўргач, уни ўлдирди: Мусо бир жонли покиза зотни улдирдингми,

6 б

1. истамаган нарсани қилдинг деб айтди: Хизр: сенга айтмадимми? Сен

2. ё Мусо мен билан сабр қилиб юролмайсан деди: Мусо: агар мен сенга айтсам, бундан кейин менга қотишма,

3. (яъни мен билан йўлдош бўлмагин), менинг хузуримдан бир узр этдинг-ку! Яна юришда (давом) этдилар:

4. қачон бир улусга етганларида, таом сўрадилар, унинг ахли уларни меҳмон қилишга унамадилар:

5. унинг ичида бир том (девор) топдилар, (уни) йикитса ва тиклашни хохладилар: (у) агар сен тиласанг эди, унинг учун ҳақ олсанг бўлар эдинг деди:

6. Хизр: мен сен билан айрилишга тўғри келди: йа Мусо, унинг йўригини уқтирайинми? Унга

7. сабр килиб тушунмадинг, У кема бир факир заифники эди,

8. дарё ичида хизмат килар эди, уни шикастли килсам деб истаган эдим: уларнинг каршисида кейиндан бир олгир малик

9. зўрлик билан хар бир кемани босиб ола эди, ўгил болаларнинг ота-онаси имонли эдилар: (у)

10. улгайса солих кишиларга зўрлик, золим, куфр келтирувчи бўлади деб кўрkitдик, улар Тангриси ижобат килса,

7 а

1. ундан хам покиза, яхширогини шафкатлирогини, меҳрибонини берса деб тиладик: у том (девор) эса, икки отасиз

2. ўгил боланики бўлиб, шахар ичида эди, унинг остида бир ганж бўлиб у икковига карашли эди:

3. оталари эзгу кишилар эди, Тангринг улар кучга тўлсалар яъни улгайиб (хазинани) парвардигор мархамати билан чикариб олсалар деб истади:

4. уни з фармоним билан килмадим:

5. бу ишга сабр килиб, унинг сабабини англамадинг, ё Мухаммад сендан икки гурух хукмрон (Зулкарнайн) хакида сўрайдилар:

6. унинг хакида сизларга сўзлаб (ўкиб) бераман деб яна айтгин: биз уни ер юзида хукмрон килдик (ўрнатдик):

7. унга хар нарсадан бердик: бу сабабига кўра, йўл юрдик: йўл сабаби анчага кадар (узокка) кун

8. ботишга етгач, унинг йўлида (араб тилида-фи айнин) уни ботаётганини кўрди (топди)

9. яна унинг теварагида халкларни учратди: Эй Зулкарнайн, ё азоб берасанми ёки улар орасида эзгулик киласанми деб сўрадик: яна

10. ким зулм килса, уни кайта кийнаймиз, яна Тангрисига жўнатилади:

76

1. каттик азоб билан кийнайди: яна ким иносса, эзгулик килса, унга

2. яхшилик (кўрклик бўлади): яна ишимизда ўнгайлик (бўлсин деб): яна йўл ярогини кўриб жўнади: қачон

3. кун чиқишга етганда, уни халк устида чикаётганини кўрди (топди),

4. уларга ундан бошка парда килмадик, шундай килиб, унинг хузурида инонганини ва хабардорлигини билдик, яна

5. йўл ярогига (сабабга) кўра кетди: қачон икки тоғ орасига етганда, улар иккисидан бошка бир қавм учратдилар:

6. укмаслар, тушунмаслар: эй икки гурух хукмрони яъжуж-маъ-

7. жуж ер юзида чиндан ҳам посад килувчидирлар, биз сенга харажат килиб берайлик,

8. унинг устига биз ва улар орасига тўсик килсанг (дедилар): у парвардигорим бу ишга қувват берса

9. яхшироқдир деб айтди: куч-қудратда менга қўмак беринглар: сизлар, Улар орасига бир девор (сад) килайин:

10. қачон икки тоғ орасига текисланса, менга темир бўлақларини келтиринглар,

8 а

1. қачон ўтга айланса дам уринг деди: менга эриган мис келтиринг, унинг устига қуяй деди: улар уни (теша олмадилар)
2. кила олмадилар унга еллар билдирди, яна унга қарши тура олмадилар:
3. бу раҳмат парвардигоримдан, қачон келса, Тангрим ўзи ваъда берди, уни майда-майда қилиб ташлайди: Тангримнинг
4. ваъда бериши ҳақ эди: у қуни баъзиси билан қоришадилар деб қолдирдик: сур салинади,
5. уларни тўплаб йигамиз, у қуни дўзахни кўрсатиб кўрамиз:
6. уларнинг кўзлари пардали бўлганидан мени олмас эдилар, шунга кўра, тонганларга (дўзахни) кўрсатмок (қерак эди):
7. (улар) эшитишдан маҳрум эдилар: тонганлар мандан ўзга
8. қулларимизга дўстлашиб сизинганларида ўйлаб кўрмадилар: биз қофирлар учун дўзахни макон қилиб қозирладик:
9. қилмишларига кўра ҳўрланишлари ҳақида сизларга уқтирайликми деб айтгин: улар
10. улар дунёвий ҳаётларида қилмиш ишлари учун оздилар, итдилар: улар эзгу ишлар

килмоқдамиз деб ўйлайдиган кимсалардир.

8 б

1. улар Тангрининг оятларидан тонгдилар, унга учрашиш бўлмайди дедилар, уларнинг
2. амалларини бекор килиб, аёкка тургизмаймиз, инобатга олмаймиз, турадиган куни уларнинг (тарозида) жавоби дўзохдир: шунингдек,
3. пайгамбаримдан кулиб, оятларимга ишонмадилар, (уни) масхара килдилар:
4. чиндан ҳам (улар) иймон келтирурлар, эзгуликлар килдилар, уларга неъматли хар турли турадиган (ўринлар) бор, жаннатларда
5. (бўладилар), унинг ичида мангу коладилар, ундан кўчишни истамаслар: агар дарё
6. сиёх бўлса, Тангрим сўзлари тугамасдан олдин денгиз суви битади: Тангрим сўзларини
7. канча келтирсак ҳам унинг давоми чексиздир: чиндан ҳам мен сизларга ўхшаш бир одамман деб айтгин:
8. Тангрингиз биргина Тангри эканлиги хакида менга вахий юборилур: яна кимда-ким Тангрига учрашишни умид килса,

9. Эзгу ишлар килсин, Тангрисига кулларни, бир кимсани сигинишда шерик килмасин.

10. Тангрининг дийдорини кўриш (инсонларга) муяссар бўлади, яъни Тангри-таоло у кун (киёматда) дийдорини одамларга кўрсатаман, барча жаннат ахли мўъминлар дийдоримни кўрадилар,

11. яна пайгамбарлар юзини кўрадилар, дўстлар бир-бирини кўрадилар: (буёгини) тангри билади.

12. Бу сура Асхабул Кахф киссаси Зулкарнайн ва Базаргон киссаси хакида сўзлайди, шунингдек, Мусо пайгамбар билан Ювшеъ билан

9 а

1. Хизр пайгамбар тўғрисидаги киссадир, иншо олло Асхабул Кахф киссаси тўла сўзланади: Юнон элида бир халк бор эди «бу элнинг номи

2. Аксус эди, унинг малиги бўлиб, номи Дакёнус эди, у Зулкарнаиндан кейин яшаб ўтган эди, Асхобул Кахф кишилари

3. Аксус кенти (шаҳри)да тангрига сигинар эди ва ўзлари мусулмон эдилар, тангри таоло уларни олийжаноб, олийхиммат деб атади, шундай ёрликади буюрди»: ... [1](#)

4. Буларнинг мусулмонлиги хакида шу элнинг малигига хабар бердилар, У

(мамлакатнинг) подшоси ва халки бутга чўкинар эдилар.

5. Дакёнус уларни ўз хузурига чакирди, сизлар кимга сигинасизлар. кандай динга ишонасизлар деб сўради, Тангри-таоло уларнинг

6. кўнгулларига (бир фикр) солди, оёкка турдилар, ўз динларини сўзлаб бердилар, бизнинг динимиз мусулмонлик динидир деб айтдилар:

7. барча нарсаларни яратган тангрига сигинамиз, бошка худони билмаймиз, деб айтдилар: тангри таоло шундай ёрликади:

8. улар мусулмонликларига икрор бўлгач, Дакёнус

9. малик уларни ўлдириш учун касд килди, каттик кийночка солишни истади, у элнинг козиси яширин мусулмон бўлган

10. эди, у Дакёнус маликдан улар ўлмасалар деб сўраб олди, булар мирзизодалардир, уларнинг ота, онаси, ўгил, кизлари бор, буларни бу

11. соатда ўлдириб бўлмайди, деб айтди, улар бу сўзларни тушунмовчиликдан гапирдилар, бир неча кун буларга фурсат бериш керак,

12. улар ўзларига келиб, бу сўзларидан яна кайтадилар, агар айтган сўзларидан кайтмасалар, ундан кейин кийночка солиш ихтиёри маликдадир деб айтди,

13. Дакёнус малик хаким сўзини инобатга олди, уларга уч кун мухлат берди, улар олти бош кишидан иборат эдилар, бу олти киши тўпланиб кочиш (хакида) кенгашдилар,

14. У элдан косиб, токка томон кетдилар, бир кўйчининг олдига бордилар, кўйчи улардан сизлар кимсизлар, каерга

15. борасизлар, деб сўради, улар бизнинг динимиз бошка деб айтдилар, бу элнинг динига сигинмаймиз, биз ерни кўкни

16. яратувчи танрига тобинамиз, бутга бутхонага бормаймиз, энди тангрининг хушнудлиги йўлида бормоқдамиз деб айтдилар, кўйчи менга нима маслахат берасизлар деб сўради,

17. мен сизлар билан борсам, сизларни (у) ерга бошлаб бораман, у ерни хеч ким билмайди, деб айтди: бу тог ичида бир унгур бор, унга хеч

18. ким кира олмайди, бизга бўрилар хужум килса, кўйларни у ерда яширамиз, деб айтди, улар маъкул деб айтдилар, у кўйчи улар билан

19. борди: у кўйчининг ити хам бор эди: ит хам бора бошлади: улар кўйчига бу итни кайтариб юбор деб айтдилар: каерга бўлмасин, бу ит хуради,

20. бизни топиб олишлари мумкин, деб айтдилар: у итни кайтариш учун канча хайдасалар хам, урсалар хам, у ит кайтмади, сўнг бир ёгочга боглаб урдилар: Тангри

21. таоло кудрати билан у ит ажойиб тил билан сўзга кирди: (ит) сизлар имон келтирган танрига мен хам ишонаман деб айтди,

22. мени бу ерда колдирманглар, элтиб боринглар деб, ширин сўз билан айтди: сўнг (улар) ажабландилар, итни богидан бўшатиб юбордилар: у ерга эргаштириб бордилар:

23. (улар) унгурга томон юзланиб бордилар: тангри таоло уларни жўмард (олийжаноб) деб айтган эди, яна бир ерда уларни Асхобул Кахф деб аталди, Тангри шундай ёрликади... ..

24. Тангри таоло Иброхим пайгамбарни (жўмард деб) ёрликаган эди:

25. иккинчи март Асхобул Кахфи кайта ёд килиб, (жумард деб) ёрликади,... Бу жўмадар горга юзландилар,

26. (улар) етти бош кишилардан иборат эдилар, бундан ташкари, бир ит булар билан бирга эди: (улардан) улугларнинг оти Маскина, иккинчисининг номи Махлиса, учинчисининг номи Шалиха

27. эди, тўртинчисининг Бат (а) рус, бешинчиси Йамлиха, олтинчиси Корабаш, еттинчиси Саро эди: У итнинг оти

28. Китмир эди. Уламолар кайси ерда ўттушса ёки Самаркандда, Бухорода ҳамда Моварауннахрда ўт тушган

29. бўлса, ўтни ўчирса олмасалар, ожиз бўлсалар Асхобул кахф одамларининг номларини мансури

30. когозига ёзиб ўтга ташласалар, тангри кудрати билан ўт ўчади деб айтганлар, бу номларни ёзиб ўтга ташланиши

31. китоб муаллифи томонидан таъкидланиши, кейин эзгу ишлар килишлари битилган, Асхобул Кахф одамлари

32. унгурга бориб унга кирдилар, У (ит) хам кирди. Улар ўтирдилар, ит ётиб, олдинги оёгини йигди бошини оёгига (кўлига) кўйди.

33. Тангри итлар одатига кўра, у итнинг ётиш сифатини акс эттириб ёрликади,

34. Уларнинг кочганлигини малик Дакёнус эртаси билди: кочганларни кидирдилар, аммо топмадилар, улар унгур ичида ётиб ухладилар,

35. Тангри таоло уларнинг жонини келтиришни буюрди: улар роса уч юз йил унгур ичида колдилар, тангри таоло хар куни бир фариштага

36. Уларнинг кузатиш учун юборди, уларни бир ёндан иккинчи ёнига огдарар эди: яна тангри таоло шундай буюрди: ...

37. Хар куни куёш чикканида у унгарга ўнг томондаги тешикдан кун (ёгдуси) тушар эди, кун ботганда сўл томондаги тешикдан (ёриклик) тушар эди: тангри таоло шундай ёрликади:

9 б

1-2. Тангри кудрати билан уч юз йил шу йўсинда ... у унгурда колдилар: Дакёнус кофир ўлди: у мамлакатнинг (хукмронлиги) юнонларнинг румлиларнинг кўлига ўтган эди: Рум тарсолартдан (христианларидан) бир торсо келиб

3. ерда мамлакатга подшоҳлик килди: тангри таоло уларнинг жонларини кайтаруб ёрликади, кайта тирилдилар, бир кун бу

4. унгур ичида яшаб турмоқдамиз деб ўйладилар: тангри таолошундай ёрликади, улар Дакёнусдан кўркар

5. эдилар, коринлари очган эди, биздан бир киши пул билан бориб едиган озик-овкат олиб келсин, дедилар, бу ишга Йамлнхони танладилар:

6. уни юбордилар ва (унга) Эй Йамлихо сен хушёр бўлиб боргин, кофирлар сени билиб колмасинлар, деб айтдилар: тангри таоло шундай ёрликади

7,8. агар билиб колсалар, сени тош билан уриб ўлдирадилар:

9. ёки сени улар ўзлари каби кофирликка кайтарадилар, иккиламчи сира улардан кутила олмасизлар деб айтдилар, улар Йамлихога окча бериб уни ёлгиз

10. Аксус шахрига юбордилар: у канча йўл юрса хам таниш-билиш учрамади, у (юртнинг) одамлари бутунлай бошқача бўлиб колганлар: бу элнинг уйлари,

11. Ховлилари турли-туман бўлиб колган, Йамлихо Дакёнус маликдан кўркар эди, у элнинг беги бошқа киши бўлган эди, Дакёнус эса

12. Ўлган эди, у шахар капкасидан киргач, илгариги кишиларни кўрмади, ўтмакчи (нонвой) дўконига борди (окчани)

13. Нонвойга берди: ўтмакчи у пулга каради ва окчада Дакёнс оти ёзилганлигини кўрди, нонвой Йамлихони ушлади, сен

14. (кандай) кишисан, кимнинг ўглисан каерлик бўласан деб сўради, бу пулни каердан топдинг, сен хазина топиб олгансан, деб сўради. Йамлихо
15. бир канча кишиларимиз, бу элдан чикиб кетганмиз деб айтди,
16. ўтмакчи (нонвой) бу Дакёнус малик ёрмогидир, унинг ўтганига икки, уч юз йил ортирок бўлгандир деб айтди, Йамлихо бу кунга кадар ётган ва ухлаган эдик, деб айтди, эл-халк тўпланди, Йамлихо хабарини
17. У подшоҳга олиб бордилар, у элнинг беги эди, бир киши бизга келиб шундай-шундай гапларни сўзлайди, деб айтдилар,
18. Йамлихони келтиришга буюрди, уларнинг киссаси сўзланди: Йамлихо биз етти киши эдик, Дакёнусдан кочдик, бир кеча
19. кундуз унгурда ётдик, ухладик, бугун турганимизда шерикларим ош-нон олиб келишга юбордилар, бу
20. пулни олиб келган эдик деб айтди: малик бу юртда уйингни биласанми, деб сўради, у биламан, деб жавоб берди: Менинг бу ерда
21. хотиним, ўглим, кизим бор деб айтди, малик уч-тўрт кишини у билан бирга унинг уйига олиб боринглар деб айтди, Йамлихо
22. уйига еткач, бир эшикни кокди, у уйнинг эгаси чикди, Йамлихо унга отинг ва отангинг оти

23. нима деб сўради, уй эгаси тўртинчи улуғ ота оти Йамлихо эди, деб жавоб ерди, Йамлихо: улуғ отанг Йамлихо мен бўламан, деб айтди,

24. одамлар ажабланиб, хайрон бўлдилар, у вақтда бу мамлакатнинг барча халки Исо пайгамбар динида эдилар, Асхабул

25. Кахф кассасини Инжилда ўқиган эдилар ва Асхабул Кахф кишилари дунёга чикиб, тезликка яна йўқ бўладилар,

26. деб айтилган, у пайтдаги малик китобхон эди, малик Инжилда зикр этилган Асхабул

27. Кахф (кишилари) булар эканлигини билди: Малик кўғалиб, анча одамлари билан Йамлихони бошлаб, уларни кўриш учун унгулга бордилар,

28. Унгарга бордилар, унгулга яқин борганларида, Йамлихо: сизлар шундай йигилиб бормоқдасизлар, менинг ўртоқларим

29. Дакёнус келди, деб ўйлашади, кўркишлари мумкин, деб айтди сизлар менинг оркамдан секинрок юриб боринглар, мен ёлиз бориб, бу кассаларни

30. уларга айтайин, ундан кейин сизлар боринглар, деб айтди, улар кўркмасин деб малик кишилари билан кейинда

31. колдилар, Йамлихо уларнинг олдига бориб, ётибмиз, биз бу ерда уч юз йил ортирок, бу ерда Дакёнус ўлубди, ундан

32. кейин бошка киши ўрнашган, султон ҳам бошка бўлган, барча (нарсалар) ўзгача бўлган, биз кўрган кишилардан бирор имса

33. колмаган, барча ўлган: уч тўрт орка (авлод) ўгил, кизлар колган, элнинг барчаси оркамдан келдилар, сизларни

34. кўргани келдилар деб айтди: улар кайгуга тушдилар, кўзларини кўкка тикдилар, тангрига ёлбордилар: хар ишга кодирсан, бизнинг жонимизни

35. олдинг, кайта тирилтирдинг, уч юз йилдан сўнг жонимизни кайтариб бердинг, энди фазлинг, рахматинг билан жонимизни ол,

36. бизни расво килмагин, деб ўтиндалр., тангри таоло ол соатда уларнинг жонини олди, у малик анча газабланиб,

37. у унгурнинг эшигига (огзига) етдилар, киришга йўл топа олмадилар, йирокдан бокар эдилар, уларни кўрар эдилар, барча тешиклардан назар ташлар эдилар.

10 а

1. у бир ёриқдан бокувчиларга ит билан учта кўринди, учтадир бири ит, тўртинчидир,

2. деб айтдилар бир канчалари беш (киши) ва олтинчиси ит деб айтдилар, баъзилари еттита, итлари саккизинчи деб айтдилар:

3. ихтилоф чикди. Тангри таоло шундай ёрликади....

4. У гор огзига келган кишилар икки гурух эдилар, бири Исо ялавоч

5. Дини бўйича мусулмон эдилар, яна бир гурухи кофир эдилар, Дакёнус кишилари эди, асхобул Кахф кишиларини ўлганини билдилар.

6. У унгур огзини суводилар, у юнонийлар гурухи кофир эдилар, булар бизнинг одамларимиз, биздан

7. кочдилар, у гурухлар Исо пайгамбар динида эдилар, булар бизнинг динимиз бўйича тангрига сигинувчи эдилар деб айтдилар:

8. бу икки гурух сўзларида тортишиб колдилар, масала урушишга олиб келди, урушдилар, кўп кишилар ўлди, кўп конлар тўкилди,

9. Исо ялавоч динидаги кишилар енгиб чикдилар, унгур огзини улар беркитдилар, у ерда бир ибодатхона кўрдилар,

10. Сарой (мехмонхона) курдилар: бир кимсанинг хожати бўлса, у ерга бориб, ибодат килур эдилар, хожат сўрар эдилар,

11. Ўша соатда кишиларнинг хожатлари раво бўлур эди, бир канча (кишилар): бўлар исо ялавоч тарафдорларига содик (мухлис) эдилар:

12. бир киши у ерга тушиб, бир канча яшаган, у ердаги кишилар

13. ундан ажойиб (нарсаларни) кўрганлар, бу олти киши улуг одамлар эди: Исо ялавоч

йўлидан юрганлар, муслмон бўлганлар, инжил ўқиганлар, тангри таолога иймон келтирганлар, ундан кейин Дакёнус

14. маликадан кочганлар, унгулга кирганлар, у ерда колганлар, киёматгача чикмайдилар деб айтилган, асхабул Кахф киссасини зикр килдик.

15. Тангри таоло яловочига ёрлик келди... Мусо киссасини Хизр пайгамбар

16. саловат уллаху алайхум Мусо пайгамбар юшвъга мен у ерга: икки дарё (денгиз) кўшилишига етмагунча, канча кўп вақт кетса ҳам кайтмасман деди:

17. бу оятнинг маниси хакида тангри таоло ёд ёрликади...

18. у вақтда тангри таоло Мусо ялавочни тур тогига чакириб, бевосита буйрук килди (ёрликади): Мусо пайгамбар кечирим сўради, ёлворди,

19. илоха ер юзида мендан олимрок бир кимсанг борми деб сўради: ё Мусо менинг бир кулим бор, Хизр номлидир,

20. сендан олимрокдир, деб жавоб берди: (Мусо) мени унинг хузурига елитгин деб, ўтинди: ёрлик келди: ё Мусо унинг турадиган ери икки дарё (денгиз)

21. орасидадир деб айтди: Мусо ялавоч: мен у икки дарё (денгиз) орасига етмагунча кайтмайман деб айтди: ундан

22. илм ўрганайин деб Хизр пайгамбар хузурига борайин деди: бу иш содир бўлган пайтда барча Бани Исроил кавми Мисрда ўрнашган эдилар, Мусо пайгамбар Хизр пайгамбар олдида боришни касд килиши:

23. Хизр ялавоч у ерда: икки дарё (денгиз) ўртасида туришини тангри-таоло буюрган эди: Хизрнинг пайгамбарлиги хакида ихтилоф бор,

24. Баъзилар Хизр пайгамбар деб айтганлар, айримлар Хизр пайгамбар эмас деб айтганлар, тангри таоло шундай ёрликади: ...

25. Бу раҳматдан тилак (умидворлик)дир, тангри таоло ёрлигини кўрмадингми деб ёрликади,

26. Аззахруф сурасида ёрликади. ... Бу яна раҳматдан тилак, пайгамбарликдир: баъзилар пайгамбар эмас эди, лекин яхши (киши)лардан эди деб айтганлар: унга илм берган эди,

27. Деб айтганлар:

28. Шунинг учун Хизр атанди, курук тош устида ўтирса унинг жуда кучли бўлгани учун курук тош устида кўк ўт яшнар

29. эди, баъзилар у пайгамбар эди, унинг оти Алайасаъ эди, деб айтганлар: тангри таоло ёрликади: ва Исмоил ва Алайасаъ: бу Хизр ялавочдир,

30. деб айтди: тангри таолонинг икки яхши кули бор: бирининг оти Хизр яна бирининг номи Илёсдир: тангри таоло уларга киёматга

31. қадар яшашни насиб қилгандир: Исрофил бургуни (сурни) қалганда, дунё халқининг барчаси ўлади, у вақтда улар ҳам ўлади: тангри таоло дарёларга (денгизларга) мутусадди қилди:

32. кимда ким дарёларда гарк бўлиб, ажали-куни битмаган бўлса, Хизр ўзини кўрсатиб, гарк бўлган (чўккан) кишини куткаради,

33. ободонликка чикаради: йўловчиларнинг ажали етган бўлса, сувда чўкиб ўлса, Хизр уни ювиб жаноза намозини ўкиб, каерга бўлмасин

34. кўмади: тангри таоло Илёсни биёбонларга мутасадди килади: кайси биёбонда йўлдан озса (адашса) уни йўлга солади, агар кимса биёбонда ўлса, Илёс

35. уни ювар, унга жаноза намозини ўкийди ва ни кўмади, агар кимсани топмасалар бу иккиси яшаб турадилар, булар киёматга кадар тирик яшайдилар, хар йили хаж пайти бўлса,

36. бориб, хаж киладилар, каъба хонасини тавоф киладилар: хеч ким уларни билмайди, хеч кимга ўзларини кўрсатмайди: кўнгиллари тортган кишиларга ўзларини кўрсатади, хар иккиси энг эзгу ва покизалардан бўлиб, кеча кундуз мўминлар хакига дуо киладилар, муслмонлар (гунохини)

106

1. Тангри таолодан тилайдилар: бундан ташкари яна иккиси яна пайгамбардир ва хар иккиси мурсал, тирикдир, ўлмайдилар, яна кеча кундуз мўминларга

2. Яхши дуолар киладилар: мўминларнинг гунохини тангри таолодан олвориб кечиришини тилайдилар: бири жўхутлар ўлдиришга касд килган Исо билан Майрамдир:

3. Тангри таоло Исо ялавочнинг кулини жўхитларнинг улугига берди, Исога ўхшаш эди, Исони кўкга чикарди, жўхитлар Исонинг кулини Исо деб

4. Ўйлаб дор тикиб дорга осдилар, Исо пайгамбар шу кунларда тўртинчи кават кўкдадир: қачон замони охир бўлса, Исо ялавоч

5. Ерга тушурилади, бу дунёни босувчи яъжуж-маъжужни ва дажжолни бу дунёдан хайдайди, бу дунё халқларини уларнинг балосидан куткаради: иккинчи

6. Идрис пайгамбар тирик бўлиб, у эса жанатдадир. Идрис ялавоч овозидан барча халойикнинг тоати кўкка қанча юкорилса, Идрис

7. Пайгамбарнинг ўзи шунчалик юкорилар эди. (?) Идрис пайгамбар янада тангрига ортиқроқ тоат-ибодат қилганлигидан унда кўкдаги

8. Фаришталарнинг раҳми келар эди: малакул мавт Идрис пайгамбар билан дўст бўлгиси келди, бирор-бирорда,

9. Малакул мавд (Азроил) Идрис ялавочга хожатинг бор бўлса, сўрагил, уни мен бажарай деб айтар эди

10. Идрис малакул мавдга сен кўкка кўтарилганигда, мени ҳам элтиб борсанг, кўкдаги ажойиботларни кўрсам деб айтди, Азроил ўзи

11. Билан Идрисни кўкка олиб чиққан, у кўкдаги кун, ой, юлдуз ва бошқа юрар, юрмас нарсаларни барчасини кўрди ва билди: ерга тушганда,

12. Нужум илмини одамларга ўргатди, юлдуз илмини кишилар ундан ўрганди, Нух ялавоч даврида тўфон юз бергач,

13. Юлдуз илмини билувчи кишилар ва уларнинг китоблари сувга гарк бўлди, у давр кишиларидан китобларидан кеч нарса колмади, шу кунларда одамлар

14. қўлидаги юлдузлар (астрономия) илми хакидаги китоблар тўгри эмас, бироз вақт ўтгач, Идрис ялавоч малакул мавддан хожатини чиқаришни сўради

15. менга жаннат ва дўзахни кўрсатсанг, деб илтимос килди, малакул мавт раво бўлди деб жавоб берди. Азроил тангридан

16. рухсат сўрайин деб айтди ва ижозат олгач, Идрис ялавочни кўкка чиқарди, олдин тамугга олиб борибди, дўзахни барча азоб кийноқларини

17. унга кўрсатди, ундан кеуин учмакка елтиб борди: азроил идрис билан бирга жаннатга кирдилар, айланиб кўрдилар: Идрис учмакнинг ўртасига

18. боргач, ўтирди: азроил тургин (жаннатдан) чиккин деб неча бор айтса, сен хич кимсани учмакка кириб: кайтиб чикканини кўрдингми деб жавоб берди:

19. жаннат ваъдаси мангуликдир Идрис учмакди касал бўлгани хакида Ризвонга хабар берилди, Ризвон Идрис ялавочни жаннатдан чиқаришга уринди:

20. Ризвон (Идрисни) колдир, унга аралашма, учмак ичида колсин деб ун келди: (Идрис) учмак ичида колди: тангри таоло ёрлиги билан бу оятни

21. Ёрликади: Мусо ялавоч билан Хизр ялавоч тўгрисида зикр этдик: Мусо ялавоч

Юшиъга озик олиб келгин,

22. Мажмаъ ул бахрайнга борамиз деб айтди, тангри таолонинг яхши кулини топамиз, ундан илм ўрганамиз, Юшиъ бир замбил келтирди, бир улкан балик

23. Келтирди ва уни ковурди, занбилга солди, иккаласи бора бошлади, мажмаъул бахрайнга етдилар, у реда икки дар окар эди бири ар ун томондан яна бири Фаластин томондан (окиб келар эди)

24. Бу икки дарё у ерда бирга кўшилиб окар эди, дарё кўшилишига етганда, жуда чарчадилар, ўтирдилар:

25. Мусо ялавоч уйкуга тушди, у ковурилган баликни чикариб, дарё киргогига кўйдилар, у ре хаёт йўли эди, деб айтаддилар:

26. Бир томчи сув у ковурилган томди тангри таоло кудрати билан у балик тирилди, дарёга тушиб кетди, дарё суви у томндан тўпланди,

27. балик сув ичида кета бошлади, иккаласи (баликнинг) унинг оркасидан бора бошладилар, сўнгра чарчаганликларридан баликни унитдилар, тангри таоло шундай ёрликади:

28. яна бир канча жойга бордилар, сўнг дарё киргогига етганда, Мусо ялавочнинг

29. корни очикди, Юшиъга эрталабки ошимизни келтиргин, чарчадик, очикдик,

